Ўхшашлиги		
Фарқи		



3. Эртмалар қандай мақсадларда ишлатилади?

- 1. _____
- 2. _____
- 3. _____
- 4. _____



37-мавзу. Эритмада эриган модданинг масса улуши, моляр ва нормал концентрацияси.

1. Эритмада эриган сульфат кислотасининг масса улушини, % концентрациясини, моляр концентрацияни, нормал концентрациясини формула билан ифодаланг.

а) масса улуши _____

б) % концентрацияси _____

в) моляр концентрацияси _____

г) нормал концентрацияси _____



2. Эритманинг хоссалари қандай?

а) механик аралашма, ўзгарувчан таркибга эга,

б) эритмалар ҳосил бўлганда иссиқлик чиқиши ёки ютилиши мумкин,

в) кимёвий бирикмаларнинг таркибий қисмларини физик усулда ажратиб бўлмайди,

г) барчаси тўғри.



3. Эрувчанлик деб нимага айтилади ва унинг ҳароратга боғлиқлигини тушунтиринг.

5-назорат иши. Сувнинг таркиби, хоссалари, тарқалиши, аҳамияти, ишлатилиши, эрувчанлик, эритмалар концентрациялари мавзуларини умумлаштириш.

Назорат шакли: Масалалар ечиш.

Мақсад: Ўқувчиларнинг сувнинг таркиби, хоссалари, тарқалиши, аҳамияти, ишлатилиши, эрувчанлик, эритмалар концентрациялари каби мавзуларни қанчалик ўзлаштирганлигини аниқлаш.

1-вариант

1. 160 гр. сувда 40 гр. ош тузи эритилганда ҳосил бўлган эритманинг концентрациясини (%) топинг.
2. Тузнинг 20°C даги эрувчанлиги 25 га тенг бўлса, 200 гр. тўйинган эритмада шу туздан неча грамм бўлади?
3. 250 гр. 10 % ли натрий гидроксид NaOH эритмасига 150 гр. сув қуйилди. Ҳосил бўлган эритманинг концентрацияси (%) нечага тенг?
4. 500 мл. 0.5 моляр эритма тайёрлаш учун неча грамм K_2SO_4 керак бўлади?

2- вариант

1. 200 гр. 15%ли ош тузининг эритмасига 200 гр сув қуйилди, ҳосил бўлган эритманинг концентрациясини топинг.
2. 2 л. натрий гидроксид эритмасида 40 гр. натрий гидроксид бор .Шу эритманинг моляр концентрациясини топинг.
3. 2 л. натрий хлорид эритмасида 40 гр. NaCl бор. Шу эритманинг моляр концентрациясини топинг.
4. 150 гр. 15 %ли ош тузига 300 гр. сув қуйилди. Ҳосил бўлган эритманинг концентрацияси неча %га тенг?

2-назорат ишига жавоблар

1-саволга жавоб: _____

2-саволга жавоб: _____

3-саволга жавоб: _____

4- саволга жавоб: _____

38-мавзу. 5-амалий машғулот. Эритмалар тайёрлаш.

Мақсад: Эритмалар тайёрлаш ва уларда моддалар миқдорини аниқ ўлчаш усуллари ўргатиш.

Жиҳозлар: 100 мл. ўлчов колбаси, стаканлар, шиша таёкча, ўлчов цилиндри, шиша идишлар.


Реактивлар: Тозаланган ош тузи, дистилланган сув.

Ишнинг бориши:

Ишни дарсликнинг 97-бетидаги йўриқнома асосида олиб борилади.

1. Масса улуши 0,06 бўлган ош тузи эритмасидан 50 гр. тайёрлаш учун зарур бўлган ош тузи ва сувнинг массаларини ҳисобланади.
2. Ош тузининг эритмаси тайёрланади.
3. Тайёрланган эритма идишга қуйилиб, идишга тузнинг формуласи ёзилади, эритманинг концентрацияси ва тайёрланган вақти ёзилади.

Иш босқичлари	Хулосалар



1. Ош тузининг масса улуши 0.06 бўлган 50 гр. эритмасини тайёрлаш учун қанча миқдорда сув ва ош тузи керак?




2. Тайёрланган эритма қандай мақсадларда ишлатилиши мумкин?



3. Тажриба жараёнида қандай асбоблардан фойдаланилади?

39-мавзу. Масала ва машқлар бажариш.



1. 50 гр. ош тузини 450 гр. сувда эритилганида эритманинг % концентрацияси қандай бўлади?




2. Кўл сувида эриган тузлар концентрацияси 4 % га тенг. 10 кг. шундай кўл сувини буғлатилганда қанча туз ҳосил бўлади?



3. NaOH нинг сувдаги эритмаси 2 литрида 16 гр. NaOH бор. Шу эритманинг моляр концентрациясини ҳисобланг.

40-мавзу. Металлар ва металмаслар. Мураккаб моддаларнинг тоифаланиши.

1. Қуйидаги тушириб қолдирилган сўзларни ўз ўрнига қўйинг



1. Даврий жадвалда элементлардан _____ металл ва _____ металмаслар бор ва улар қуйидаги хоссалари билан фарқланади.

- а) _____ ҳолати;
- б) _____ ва _____ хоссалари;
- в) _____ панжараси
- г) _____ табиатда учраши.



2. Мураккаб моддалар деб _____
_____ моддаларга айтилади.


Қуйидагилар ичидан мураккаб моддаларни ажратиб ёзинг:

- а) CaO , MgCl_2 , Na _____
- б) SO_2 , CO , KOH _____
- в) S , KNO_3 _____
- г) H_2O , H_2SO_4 , Ca _____



3. CaSO_3 нинг график формуласини ёзинг

**41-мавзу. Оксидларнинг таркиби, тузилиши,
номланиши ва тоифаланиши.**



1. Қуйидаги таъриф ва гапларда тушириб қолдирилган сўзларни ўз ўрнига ёзинг.

Оксидлар деб _____
_____ айтилади.






Уларнинг таркиби: _____ ёки _____
_____ дан иборат бўлади.

Улар 5 хил тоифага бўлинади.

- 1- _____
- 2- _____
- 3- _____
- 4- _____
- 5- _____



2. Қуйидаги реакцияларни тенгланг.




3. Қуйидаги оксидларнинг тузилиш–график формулаларини ёзинг.

CaO _____

CuO _____

P₂O₅ _____

42-мавзу. Оксидларнинг олиниши ва хоссалари.



1. Оксидларни саноатда ва лабораторияда олиш реакциялари тенгламаларини ёзинг.

а) _____

б) _____

в) _____



2. Реакцияларни тенглаштиринг ва оксидлар қандай моддалар билан реакцияга киришини ёзинг.

а) $\text{Na}_2\text{O} + \text{H}_2\text{O} \rightarrow \text{NaOH}$ _____

б) $\text{SO}_3 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow \text{H}_2\text{SO}_4$ _____

в) $\text{CaO} + \text{HCl} \rightarrow \text{CaCl}_2 + \text{H}_2\text{O}$ _____

г) $\text{MgO} + \text{SO}_2 \rightarrow \text{MgSO}_3$ _____




3. Al_2O_3 ва P_2O_5 нинг молекуляр оғирлигини топинг.

Al_2O_3 _____

P_2O_5 _____

43-мавзу. Энг муҳим оксидларнинг ишлатилиши.



1. Қуйидаги моддаларнинг номини ёзинг.

SO_3 _____

CaO _____

SO_2 _____

N_2O_5 _____



2. Қуйидаги оксидларнинг сув билан реакцияси натижасида қандай моддалар ҳосил бўлди, тенгламаларни тенгланг:

$\text{P}_2\text{O}_5 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow \text{H}_3\text{PO}_4$ _____

$\text{SO}_3 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow \text{H}_2\text{SO}_4$ _____


$\text{Na}_2\text{O} + \text{H}_2\text{O} \rightarrow \text{NaOH}$ _____

$\text{CO}_2 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow \text{H}_2\text{CO}_3$ _____



3. Кальций оксиди, фосфор (V)-оксиди, хром (VI)-оксидининг формуласини ёзинг ва молекуляр оғирлигини ҳисобланг.

44-мавзу. Асосларнинг тузилиши, таркиби номланиши ва тоифаланиши.



1. Қуйидаги таърифларда тушириб қолдирилган сўзларни ўз ўрнига ёзинг.

Асослар деб: _____
_____ ни айтилади.

Уларнинг таркиби _____ ва _____ гуруҳлардан иборат.
Сувда эришига қараб асослар _____ тоифага бўлинади.
Сувда эрийдиган асослар _____ дейилади.



2. Қуйидагилар ичидан асослар ёзилган қаторни кўрсатинг.

а) $\text{Al}(\text{OH})_3$, CaCl_2 , FeO , _____

б) SO_2 , CO_2 , H_2SO_4 _____


в) H_2O , NaOH , $\text{Mg}(\text{OH})_2$, _____

г) KOH , $\text{Fe}(\text{OH})_3$, $\text{Zn}(\text{OH})_2$ _____



3. $\text{Cu}(\text{OH})_2$, $\text{Fe}(\text{OH})_3$, H_2SO_4 дан фойдаланиб, CuO , FeSO_4 ҳосил қилинг.

45-мавзу. Асосларнинг олиниши ва хоссалари.



1. Асосларнинг номини ёзинг ва ҳосил бўлиш реакция тенгламаларини ёзинг.


NaOH _____

Ca(OH)₂ _____

Fe(OH)₃ _____




2. Реакцияларни охирига етказинг, тенглаштиринг.:



3. 8 гр. NaOH билан H₂SO₄ реакцияга киришганида қанча миқдорда туз ҳосил бўлади?


46-мавзу. Энг муҳим асосларнинг ишлатилиши.



1. Асослардан NaOH, Ca(OH)₂, KOH қандай мақсадларда ишлатилади? Уларни график усулда тасвирланг.



2. Реакцияларни тенгланг, ҳосил бўлган моддаларнинг номини ёзинг.



3. Сувда эришига қараб асослар неча турга бўлинади?
Мисол келтиринг.

6-назорат иши. Оддий ва мураккаб моддаларнинг тоифаланиши, оксидлар ва асослар ҳақидаги мавзуларни умумлаштириш.

Назорат шакли: Ёзма иш

Мақсад: Ўқувчиларнинг оддий ва мураккаб моддаларнинг тоифаланиши, оксидлар ва асослар каби мавзуларни қанчалик ўзлаштирганлигини аниқлаш.

1-вариант

1. Қуйидаги моддаларни оксид ва асосларга ажратинг ҳамда номларини ёзинг:
 Na_2O , SO_3 , $\text{Zn}(\text{OH})_2$, Al_2O_3 , $\text{Ca}(\text{OH})_2$, $\text{Ba}(\text{OH})_2$, AgOH , H_2O , P_2O_5 , $\text{Al}(\text{OH})_3$
 KOH , $\text{Cu}(\text{OH})_2$
2. Қуйидаги оксид ва асосларнинг формулаларини ёзинг: алюминий оксиди, натрий оксиди, Р (III) – оксиди, магний гидроксиди, азот (I)-оксиди, симоб (II)-оксиди, калай (IV)-оксиди, темир(III) – оксиди, мис (II)-гидроксиди, хлор (V)-оксиди, барий гидроксиди.
3. Қуйидаги схемаларни амалга ошириш учун керак бўладиган реакция тенгламаларини ёзинг: $\text{Cr} \rightarrow \text{Cr}_2\text{O}_3 \rightarrow \text{CrCl}_3 \rightarrow \text{Cr}(\text{OH})_3 \rightarrow \text{Cr}_2\text{O}_3 \rightarrow \text{Cr}$
4. 12 гр. магнийнинг тўлиқ ёнишидан қанча магний оксиди ҳосил бўлади?

2-вариант

1. Қуйидаги моддаларни оксид ва асосларга ажратинг ҳамда номларини ёзинг:
 K_2O , SO_2 , $\text{Mg}(\text{OH})_2$, Fe_2O_3 , $\text{Cr}(\text{OH})_3$, NaOH .
2. Қуйидаги оксид ва асосларнинг формуласини ёзинг:
алюминий гидрооксид. калий оксиди, марганец (II) гидрооксид.
3. Қуйидаги реакцияларни амалга ошириш учун керак бўладиган реакция тенгламаларини ёзинг. $\text{C} - \text{CO}_2 - \text{CaCO}_3 - \text{CaO} - \text{Ca}(\text{OH})_2$
4. 0,04 моль натрий оксидидаги натрий атомлари сонини топинг.

6-назорат иши жавоблари

1-вариант

1-саволга жавоблар

Оксидлар: _____

Асослар: _____

2-саволга жавоблар _____

3- саволга жавоб _____

4- саволга жавоб _____

2-вариант

1-саволга жавоблар

Оксидлар: _____

Асослар: _____

2-саволга жавоблар _____

3-саволга жавоб _____

4-саволга жавоб _____

Ziyouonet.UA

47-мавзу. 6-амалий машғулот. Тупроқнинг сувли эритмасида ишқор борлигини аниқлаш.


Мақсад: Эрималар тайёрлаш ва уларда ишқор борлигини аниқлаш.

Жиҳозлар ва реактивлар: шиша таёқча, пробиркалар, штатив, сув, тупроқ, индикатор қоғози, калий хлорид эритмаси.

Ишнинг бориши: Амалий машғулотни дарсликнинг 98-бетидаги йўриқнома асосида бажарилади.

1-Тупроқ эритмасини тайёрлаш.

2-Тупроқ муҳитини аниқлаш.



1. Тупроқ эритмасини тайёрлаш ва у билан тажрибалар ўтказиш учун қандай моддалардан ва асбоблардан фойдаланилади?




2. Тупроқ эритмаси таркибида ишқор борлигини тажриба йўли билан қандай аниқлаш мумкин?



3. Ишнинг натижасига қандай хулоса ёзилади?

Иш босқичлари	Хулоса

48-мавзу. Кислоталарнинг таркиби, тузилиши, номланиши ва тоифаланиши.



1. Қуйидаги таърифда тушириб қолдирилган сўзларни ўз ўрнига ёзинг.

Кислоталар деб, таркибида _____ атомига ўрин бера оладиган ва _____ дан ташкил топган мураккаб моддаларга айтилади, водороднинг миқдорига қараб _____ негизликка бўлинади, кислороднинг бор-йўқлигига қараб _____ кислоталарга бўлинади.



2. Қуйидаги кислоталарни номланг ва негизлигини ёзинг:

HCl- _____

H₂SO₄- _____

H₃PO₄- _____

HJ- _____

HBr- _____

H₂CO₃- _____

H₂SiO₃- _____

HNO₃ - _____




3. Қуйидаги кислоталарнинг молекуляр оғирлигини ҳисобланг.




H₂SO₄ _____

H₃PO₄ _____

49-мавзу. Кислоталарнинг олиниши ва хоссалари.



1. Кислоталарнинг олиш реакциялари тенгламаларини ёзинг ва тенглаштиринг.



2. H_2SO_4 ва HNO_3 нинг фазовий формуласини ёзинг ва уларни қайси индикатор билан аниқлаш мумкин?

а) лакмус ёрдамида: _____

б) фенолфталиен ёрдамида: _____

в) метилоранж ёрдамида: _____



3. 196 гр. H_2SO_4 билан NaOH реакцияга киришганда қанча туз ҳосил бўлади?

50-мавзу. 7-амалий машғулот. Мис (II)-оксиди билан сульфат кислота орасидаги алмашиниш реакциялари.

Мақсад: сульфат кислота билан мис (II)-оксиди орасидаги алмашиниш реакцияларининг бориши ва реакция маҳсулотларини эритмадан ажратиб олишни ўрганиш.


Жихозлар: пробиркалар, куруқ ёқилғи, шиша таёқча, керамик плита, тикин, стаканлар.

Реактивлар: мис (II)-оксид, сульфат кислота.

Ишнинг бориши:

Амалий машғулот дарсликнинг 125-бетидаги йўриқнома асосида бажарилади.

1. Пробиркага эҳтиётлик билан 5 мл. сульфат кислота қуйилади ва қайнагунча қиздирилади.
2. Қайноқ эритма устига оз-оздан мис (II)-оксиди қўшилади.
3. Эритма филтирлаб олиниб, куруқ спирт алангасида қиздирилади.
4. Эритманинг кристалларга айланиши кузатилади.



1. Мис сульфат ҳосил бўлиш жараёни қандай амалга оширилади?




2. Эритманинг филтirlаниши қандай кузатилади?



3. Бажарилган иш босқичлари бўйича ҳисобот ва хулосаларни қуйидаги жадвал шаклида ёзинг.

Иш босқичлари ва реакция тенгламалари	Хулосалар

51-мавзу. Энг муҳим кислоталарни ишлатилиши.



1. Қуйидаги моддаларнинг номларини ва график формулаларини ёзинг:

H_2SO_4 _____

HNO_3 _____

HCl _____



2. Қуйидаги кислоталар: HCl , H_2SO_4 , HNO_3 нинг ишлатиладиган соҳаларини кўрсатинг:

Ишлатиш соҳаси	HCl	H_2SO_4	HNO_3
Ишлаб чиқаришда			
Халқ хўжалигида			
Кундалик турмушда			




3. Қуйидаги кислоталарда ҳар бир элементнинг валентлигини аниқланг.

Фосфат кислота _____

Силикат кислота _____

Нитрат кислота _____

52-мавзу. Тузлар, уларнинг таркиби, тузилиши ва номланиши.



1. Қуйидаги таърифда тушириб қолдирилган сўзларни ўз ўрнига ёзинг.

Тузлар деб, таркиби _____ ва _____ ташкил топган мураккаб моддаларга айтилади ва улар _____ хил тоифага бўлинади:

а) _____ тузлар

б) _____ тузлар

в) _____ тузлар

г) _____ тузлар

д) _____ тузлар



2. Қуйида номлари кўрсатилган тузларнинг формуласини ёзинг ва график усулда тасвирланг.

Натрий гидрокарбонат _____


Калций дигидрофосфат _____

Темир (III)-сульфат _____



3. 12 гр. BaSO_4 олиш учун қанча миқдорда барий хлорид керак?
Реакция тенгламасини ёзинг.

53-мавзу. Тузлар формулаларининг ифодаланиши, уларнинг тоифаланиши.



1. Қуйидаги тузларнинг номларини ёзинг.

а) NaCl _____

б) $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ _____

в) $\text{Mg}(\text{OH})\text{Cl}$ _____

г) NaHCO_3 _____

д) $\text{NaCl} \cdot \text{KCl}$ _____



2. Қуйидагилар қайси тузлар тоифасига киришини ёзинг.

CaCO_3 _____ туз;

NaHCO_3 _____ туз;


$\text{Cu}(\text{OH})\text{Cl}$ _____ туз;

$\text{CaSO}_4 \cdot n \text{H}_2\text{O}$ _____ туз.







3. $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ тузининг график формуласини тасвирланг ҳамда молекуляр оғирлигини ҳисобланг.

54-мавзу. Тузларнинг олиниши ва хоссалари.



1. Қуйидаги тузларнинг олиниши реакцияларини тенгланг.



2. Қундалик турмушда ишлатиладиган қуйидаги энг муҳим тузларнинг физик хоссаларини ёзинг.

а) NaCl _____

б) NaHCO_3 _____

в) Na_2CO_3 _____




3. Қуйидаги моддаларнинг молекуляр оғирлигини топинг ва график усулда тасвирланг.

NaHCO_3 _____

$\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2$ _____

55-мавзу. Энг муҳим тузларнинг ишлатилиши.



1. Куйидаги тузларнинг хоссаларини ҳамда график формулаларини ёзинг.

а) $\text{Cr}_2(\text{SO}_4)_3$ _____

б) CaCO_3 _____

в) NH_4NO_3 _____



2. NaCl , CaCO_3 , NH_4NO_3 тузлари қандай мақсадларда ишлатилади?

1- _____

2- _____

3- _____



3. Куйидаги тузларни номланг.

NaHCO_3 _____

Na_2CO_3 _____

CaCO_3 _____

K_2CO_3 _____

AgNO_3 _____

7-назорат иши. Мураккаб моддалар синфлари таркиби, уларнинг асосий хоссалари ва ишлатилиши.

Назорат шакли: Тест.

Мақсад: Ўқувчиларнинг мураккаб моддалар синфлари таркиби, уларнинг асосий хоссалари ва ишлатилиши каби мавзуларни қанчалик ўзлаштирганлигини аниқлаш.

1. Қайси ҳолатда фақат асосли оксид олиш усули кўрсатилган?

- а) $P + 5O_2 = P_2O_5$ б) $C + O_2 = CO_2$
в) $CaCO_3 = CaO + CO_2$ г) $Cu(OH)_2 = CuO + H_2O$

2. Қайси қаторда фақат кислотали оксидлар ёзилган:

- а) K_2O , MgO , SO_2 , Na_2O б) CO_2 , P_2O_3 , NO_2
в) ZnO , N_2O_3 , Al_2O_3 г) BaO , P_2O_3 , Fe_2O_3 , CO_2

3. Қуйидаги оксидларнинг қайсилари асослар билан реакцияга киришади?

1. CaO 2. SO_2 3. FeO 4. N_2O_5 5. CO_2 6. ZnO
а) 2.3.5 б) 2.4.5.6 в) 1.3.5 г) 3.5.6

4. Нормал шароитда 11,2 литр, олтингугурт (IV)-оксид олиш учун қанча олтингугуртни ёқиш керак?

- а) 16 гр. б) 35 гр. с) 64 гр. д) 24гр.

5. Амфотер гидроксидлар қаторини топинг.

- а) KOH , $Mg(OH)_2$, $Al(OH)_3$, б) $Ca(OH)_2$, $Fe(OH)_2$, $Ba(OH)_2$
в) $Zn(OH)_2$, $Al(OH)_3$, $Cr(OH)_2$ г) $NaOH$, $Zn(OH)_2$, $Cu(OH)_2$

6. Қайси реакция натижасида сувда эримайдиган асос ҳосил бўлади?

- а) $NaOH + CO_2 \rightarrow$ б) $KOH + HCl \rightarrow$ в) $CaO + H_2O \rightarrow$
г) $Fe(OH)_3$ қиздирилганда \rightarrow

7. Қайси моддадан бир вақтнинг ўзида ҳам асосли ҳам кислотали оксид олиш мумкин?

- а) $CaCO_3$, б) $Al(OH)_2$, в) H_3PO_4 , г) KNO_3

8. Оҳакли сув $Ca(OH)_2$ орқали карбонат ангидрид ўтказилганда 50 гр. оқ чўкма ҳосил бўлди? Неча литр CO_2 реакцияга киришган?

- а) 22,41
б) 2,241
в) 11,21
г) 1,121

9. Кислота эритмаси қуйидаги индикаторларнинг қайсилари таъсирида қизаради?

1. Лакмус 2. Фенолфталеин 3. Метилзарғолдоғи

- а) 1
б) 1 ва 3
в) 2 ва 3

10. Формулалари қуйидагича бўлган оксидларнинг қайси бирида кислороднинг масса улуши 50%га тенг?

- а) SO_3
б) CO
в) CO_2
г) SO_2


**56-мавзу. Аноорганик моддаларнинг энг мухим синфалари
бобига доир тестлар ечиш.**

1. Қуйидаги оксидларнинг қайсилари сув билан реакцияга киришиб, кислота ҳосил қилади?
1. K_2O . 2. P_2O_5 . 3. SO_3 . 4. SiO_2 . 5. HgO .
6. Al_2O_3 . 7. CO_2 . 8. Fe_2O_3 .
- а) 1,6, 8.
б) 2, 3,4.
в) 2, 3,7.
г) 5, 6, 7, 8.
2. Қуйидаги оксидлардан қайсилари кислоталар билан реакцияга киришади?
1. K_2O . 2. CO_2 . 3. MgO . 4. P_2O_5 . 5. SO_2 .
6. Al_2O_3 . 7. BaO .
- а) 2,4, 5.
б) 2, 5, 6.
в) 1,3, 6, 7.
г) 1,2, 5,7.
3. Бир хил миқдорда олинган қуйидаги бирикмаларнинг қайси бирида темир миқдори кўп?
- а) FeO
б) Fe_2O_3
в) Fe_3O_4
г) $FeSO_4$
4. Мис(II)-гидроксид қандай усулда олинади?
- а) миснинг сувда эрийдиган тузларига ишқор таъсир эттириб,
б) миснинг исталган тузига кислота таъсир эттириб.
в) миснинг сувда эрийдиган тузларига кислота таъсир эттириб,
5. Кальций гидроксидини қандай йўллар билан олиш мумкин?
- а) кальций оксидига сув таъсир эттириб,
б) кальцийнинг сувда эрийдиган тузларига ишқор таъсир эттириб,
в) кальцийнинг исталган тузига кислота таъсир эттириб,
г) а ва в жавоблар тўғри.
6. 10 гр. натрий гидроксиди тутган эритмани нейтраллаш учун неча моль нитрат кислота керак?
- а) 1. б) 0,5. в) 0,25. г) 0,025.

Жавоблар жадвали:

№	1	2	3	4	5	6

57-мавзу. Оксид, асос, кислота ва туз орасидаги генетик боғланиш.



1. Қуйидаги тушириб қолдирилган сўзларни ўз ўрнига ёзинг.

а) оксиддан асос ҳосил қилиш учун _____

Генетик боғлиқлик схемаси _____

б) оксиддан кислота ҳосил қилиш учун _____

Генетик боғлиқлик схемаси _____

в) кислотадан тузни ҳосил қилиш учун _____

Генетик боғлиқлик схемаси _____



2. Оксидлар, асослар, кислоталар, тузлар бир- биридан нимаси билан фарқланади?

а) _____ ва _____ билан фарқланади,

б) _____ ва _____ билан фарқланади,

в) _____ ва _____ билан фарқланади.



3. $\text{Ca} \rightarrow \text{CaO} \rightarrow \text{Ca(OH)}_2 \rightarrow \text{CaCl}_2$ генетик боғланишни амалга оширинг.

58-мавзу. 8-амалий машғулот. Тажрибавий масалалар ечиш.


Кутиладиган натижалар:

Мақсад: Аноорганик моддаларнинг асосий синфлари орасидаги боғланиш орқали ўтилганларни мустаҳкамлаш.





Жихозлар: Пробирка, пипетка, тиқин, стаканлар.

Реактивлар: Аммоний хлорид, барий хлорид, сульфат кислота, натрий карбонат, калий гидроксид.

Тажрибавий масалалар ечиш.



1. Қуйидаги реакцияларни амалга оширинг ва охирига етказинг, тенгланг.



2. Ушбу тажриба жараёнидаги реакциялар натижасида ҳосил бўлган моддаларнинг номини ёзинг.



3. Ушбу тажриба жараёнидаги реакциялар натижасида ҳосил бўлган моддалар аноорганик бирикмаларнинг қайси синфларига тегишли эканлигини ёзинг.

59-мавзу. Оксидлар, асослар, кислоталар ва тузларнинг ўзаро генетик боғланиши бобига доир масалалар ечиш.

1. $\text{Fe} \rightarrow \text{A} \rightarrow \text{Fe}(\text{OH})_2$ схемасидаги «А» моддани топинг.

а) FeO б) Fe_2O_3 в) FeCl_2 г) FeSO_4

2. Қуйидаги ўзгаришлардаги «А» ва «В» моддаларни аниқланг.

$\text{A} \rightarrow \text{B} \rightarrow \text{CuCl}_2 \rightarrow \text{Cu}(\text{OH})_2 \rightarrow \text{B} \rightarrow \text{A}$.

а) Cu ва CuO .

б) CuO ва Cu

в) Cu ва Cu_2O

г) Cu_2O ва Cu .

3. Қуйидаги моддаларнинг қайсиларидан фақат битта ўзгариш қилиб, CuCl_2 олиш мумкин?

1. Cu . 2. CuS . 3. $\text{Cu}(\text{OH})_2$. 4. $(\text{CuOH})_2\text{CO}_3$.

а) 1.

б) 1,2.

в) 1,2,3.

г) 1,2,3,4.

4. Сульфат кислота қуйидаги моддаларининг қайсилари билан реакцияга киришади ?

1. Zn . 2. ZnO . 3. $\text{Zn}(\text{OH})_2$. 4. ZnS .

а) 1,2,3,4.

б) 1,2,3.

в) 1,2.

г) 1.

5. Рух хлорид олиш учун рух металлига қуйидагиларнинг қайсиларини таъсир эттириш керак?

1. HCl . 2. CuCl_2 . 3. HgCl_2 4. NaCl .

а) 1.

б) 2,3.

в) 2,3,4.

г) 1,2,3.

6. Қуйидаги қайси реакциялар натижасида туз ҳосил бўлади?

а) Водород + кислород

б) Натрий сульфид + хлорид кислота

в) Кальций + сув

г) Мис (II)-оксид + водород

7. Натрий металлига ёки натрий оксидига сув таъсир эттириб натрий гидрооксид олиш мумкин . Худди шундай йўл билан мис (II)-гидрооксид олиш мумкинми?

а) Ҳа. Олиш мумкин

б) Мис ва мис (II)-оксидини қиздириб олиш мумкин.

в) Агар сув қайноқ буғ ҳолда бўлса, олиш мумкин.

г) Йўқ . Олиб бўлмайди.

8-назорат иши. Оксид, асос, кислота, тузлар мавзуларини умумлаштириш.

Назорат шакли: Тажрибавий масалалар ечиш

Мақсад: Ўқувчиларнинг каби мавзуларни қанчалик ўзлаштирганлигини аниқлаш.

1-вариант

Тажриба: Нейтралланиш реакцияси.

Чинни косачага 3 мл. натрий гидрооксид эритмасидан қуйинг, устига фенолфталеиндан 1-2 томчи томизинг ва эритманинг рангига эътибор беринг, эритманинг ранги йўқолгунча устига томчилаб хлорид кислота эритмасидан қуйинг ҳамда шиша таёқча ёрдамида доимо аралаштириб туринг. Ҳосил бўлган эритмани спирт лампаси ёрдамида қиздириб ва сув буғланиб бўлгач, тузни кўздан кечиринг. Реакция тенгламаси ва тажриба хулосаларини ёзинг.

2-вариант

Тажриба: Мис (II) – гидрооксидини ҳосил қилиш.

Мис (II)-оксиди кукунидан тарозида 1 гр. тортиб олиб, пробиркага солинг, устига кўпроқ миқдорда хлорид кислота эритмасидан қуйинг. Спирт лампаси ёки куруқ спирт ёрдамида мис (II)-оксид эриб кетгунча қиздириг. Сўнгра ҳосил бўлган оч ҳаво рангли эритма устига ишқор эритмасидан қуйинг, ажралиб чиққан чўкмани филтрлаб, чинни косачага солиб озроқ қуритинг, сўнгра тортиб ўлчанг. Ўтказган тажрибангизнинг реакция тенгламасини ёзинг ва ҳосил бўлиши керак бўлган $\text{Cu}(\text{OH})_2$ нинг массасини ҳисобланг ҳамда сиз ҳосил қилган мис (II)-гидрооксиднинг массасини таққосланг.

8-назорат ишининг топшириқлари ва жавоблари:

1 – вариант тажрибанинг реакция тенгламаларини ва хулосасини ёзинг:

Реакция тенгламаси	Хулоса

2 – вариант тажрибанинг реакция тенгламаларини ва хулосасини ёзинг:

Реакция тенгламаси	Хулоса

60-мавзу. Кимёвий ишлаб чиқариш ёки кимё техника институтларига саёҳат.




1. Кимё фанининг ҳозирги даврда эришган ютуқлари ҳамда вазифалари нималардан иборат?

а) ютуқлари: _____

б) вазифалари: _____



2. Реакцияларни тенгланг.




3. Кимё фанининг истиқболлари қандай?

Хурматли ота-оналар!

Фарзандингиз кимё фанидан жорий ва оралиқ назорат учун топшириқларни қандай бажараётганини кузатиш орқали сиз унинг бу фандан билимларни ўзлаштириши ҳамда кўникма ва малакаларининг ривожланиши жараёни билан танишиб боришингиз мумкин.

Иш дафтари ўқитувчига ҳар бир ўқувчининг кимё фани бўйича ўзлаштираётган билим, кўникма, малакаларини холисона баҳолаш ва ўз вақтида коррекциялаш ҳамда яқка тартибда ёндашувни амалга оширишга ёрдам беради.

Шартли белгилар.



- олинган билимларни текшириш.



- олинган кўникмаларни текшириш.



- олинган малакаларни текшириш.

НИЗАМОВА САИДА АДИЛОВНА

**Кимё фанидан жорий ва оралиқ назорат ишлари
учун иш дафтари
7-синф**

(ўқувчилар учун иш дафтари)

Мухаррир: С. Усмонов
Саҳифаловчи: У. Ваҳидов
Мусахҳих: С. Абдувалиев

Лицензия: АИ №190. 10.05.2011-й.
Босишга рухсат этилди 28.01.2016 й. Бичими 60x84 ¹/₁₆
.Офсет қоғози. Тимес Нев Роман гарнитураси.
Нашр т. 4,5.Адади 500
Буюртма № 73-13

«ДИДАКТИКА» МЧЖ
Тошкент, Миробод тум. Кўшжувоз тор кўча, 15-уй.

«Тафаккур бўстони» нашриёти
Тошкент, Юнусобод, 9-мавзе, 13-уй.

„Ўқитувчи“ НМИУ босмахонасида чоп этилди. 100206.